

БОЛАЛАРДА БИЛАК СУЯГИ БОШЧАСИНИНГ ЭСКИРГАН ЧИҚИШЛАРИНИ ЖАРРОХЛИК ДАВОЛАШ НАТИЖАЛАРИ



Эранов Шерзод Нуралиевич¹, Мамадалиев Аббос Бахтиёрович²

1 – Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.;

2 – Андижон давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Андижон ш.

РЕЗУЛЬТАТЫ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ ЗАСТАРЕЛЫХ ВЫВИХОВ ГОЛОВКИ ЛУЧЕВОЙ КОСТИ У ДЕТЕЙ

Эранов Шерзод Нуралиевич¹, Мамадалиев Аббос Бахтиярович²

1 – Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд;

2 – Андижанский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Андижан

RESULTS OF SURGICAL TREATMENT OF OLD DISLOCATIONS OF THE RADIAL HEAD IN CHILDREN

Eranov Sherzod Nuraliyevich¹, Mamadaliyev Abbos Bakhtiyarovich²

1 – Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand;

2 – Andijan State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Andijan

e-mail: sherzod.eranov@mail.ru

Резюме. Тадқиқот мақсади болаларда билак суяги бошчасининг эскирган чиқишларини жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилаш. Материаллар ва тадқиқот усуллари. 2019-2022 йиллар давомида билак суяги бошчасининг эскирган чиқишлари билан касалланган 83 нафар беморни даволаш натижалари таҳлил қилинган. Текширувдан ўтган беморларнинг 51 нафари ўғил болалар бўлиб, улар фоизда 61,4% ва мос равишда 32 нафар қиз болалар 38,6% ташкил этди. Беморларнинг ёши 1 ёшдан 18 ёшгача (ўртача ёши 8,1 йил). Беморларда клиник ва рентгенологик текшириш усуллари ўтказилган. Натижалар. Беморларни узоқ муддатли даволаш натижаларини таҳлил қилиш шунини кўрсатадики, 1-гурӯх беморларида 31 (75,6%) беморда аъло ва яхши натижалар, 7 беморда (17,1%) қониқарли, 3 беморда қониқарсиз натижалар (7,3%). Беморларнинг 2-гурӯҳида 39 беморда (92,9%) аъло ва яхши натижалар, 3 беморда қониқарли (7,1%), қониқарсиз натижалар кузатилмаган. Хулоса. Фиброз ўзгарган бўғим капсуласидан билак суяги бошчасининг эскирган чиқишларида жарроҳлик даволаш учун узуксимон бойламни тиклаш (пластика) учун лоскут ҳосил қилиш имконини беради ва ўз навбатида, билак бошчасини жойида туғирланган ҳолатда ушлаб туради. Беморларни узоқ муддатли даволаш натижаларини таҳлил қилиш жарроҳлик даволаш натижаларининг 75,6% дан 92,9% гача яхшиланганлигини кўрсатади.

Калит сўзлар: билак суяги бошчасининг чиқиши, узуксимон бойлам.

Abstract. The aim of this study is to improve the results of surgical treatment of chronic dislocations of the radial head in children. Materials and research methods. The results of treatment of 83 patients with chronic dislocations of the radial head for 2019-2022 were analyzed. Among the examined patients, there were 51 boys, which in percentage terms amounted to 61.4%, and 32 girls, respectively, 38.6%. The age of patients ranged from 1 to 18 years (mean age 8.1 years). Clinical and radiological research methods were carried out. Results. Analysis of the long-term results of treatment of patients showed that, in the 1st group of patients, excellent and good results were noted in 31 (75.6%) patients, satisfactory in 7 patients (17.1%), unsatisfactory results in 3 patients (7.3%). In the 2nd group of patients, excellent and good results were observed in 39 patients (92.9%), satisfactory in 3 patients (7.1%), and no unsatisfactory results were observed. Conclusions. The fibrous-modified joint capsule allows the formation of a flap for the restoration (plasty) of the annular ligament in the surgical treatment of chronic dislocations of the radial head, and the restoration of the annular ligament from its own fibrous-modified joint capsule, in turn, keeps the heads of the radius in the reduced position. Analysis of the long-term results of treatment of patients showed an improvement in the results of surgical treatment from 75.6% to 92.9%.

Keywords: dislocation of the head of the radius, annular ligament.

Долзарблиги. Билак суяги бошчасининг эскирган чиқишлари (БСБЭЧ) оғир патологиялардан бири бўлиб, турли муаллифларнинг фикрига кўра, тирсак бўғимидаги барча жароҳатларнинг 1,9-2,7% да учрайди. Мураккаб ҳолатларда билак суяги бошчасининг чиқиши бўғимнинг биомеханикасини бузади, билак ва тирсак суяқларининг турли хил деформациялари, баъзи ҳолларда уларнинг калталигига олиб келади [1,2]. БСБЭЧ кўпинча қўлнинг ва айниқса, тирсак бўғимининг дисфункциясига олиб келади. Бундан ташқари, БСБЭЧ ҳолатларининг 17% дан ортиғи тирсак бўғимининг вальгус ва атипик деформациясига олиб келади [4]. Ушбу муаммони ҳал қилиш жарроҳлик амалиёт пайтида узуксимон бойламини тиклашдан иборатдир. Билак суяги бошчасининг узуксимон бойламини тиклашнинг турли усуллари таклиф этилган. Шу билан бирга, ушбу усуллари амалга ошириш узуксимон бойламинининг аутопластикаси учун қўшимча кесмалар, операцияларнинг юқори травматизми, операциядан кейинги реабилитация даврининг узунлиги, тирсак бўғимининг функцияларини тиклагандан кейин қолдиқ асоратларнинг пайдо бўлиши кузатилади [3]. Шунинг учун БСБЭЧ билан оғриган беморларни даволашда жароҳатнинг муддати, боланинг ёши, тирсак бўғимининг анатомик ва рентгенологик хусусиятларига қараб ёндашиш керак [1,5].

Мақсад: болаларда билак суяги бошчасининг эскирган чиқишларини даволаш натижаларини яхшилаш.

Материаллар ва усуллар. РИТОИАТМ Самарқанд филиалида болалар шикастлари оқибатлари бўлимида 2019-2022 йилларда билак суяги бошчасининг эскирган чиқишлари билан 83 нафар бемор жарроҳлик усулда даволанган. Текширувдан ўтган беморларнинг 51 нафари ўғил болалар бўлиб, улар фоизда 61,4% ва мос равишда 32 нафар қиз болалар 38,6% ташкил этди. Беморларнинг ёши 1 ёшдан 18 ёшгача (ўртача ёши 8,1 йил). Шикастланишнинг асосий сабаби 58 (69,9%) беморда травматик (сақраш ёки баландликдан йиқилиш) ва 25 (30,1%) беморда ҳеч нарса билан боғлиқ бўлмаган сабаблар бўлган. Беморларнинг касалхонага ташрифлари тахлили шуни кўрсатдики, кўпинча беморлар жароҳатдан кейин 6 ойгача бўлган вақтда мурожаат қилишган. Бизнинг материалimiz

орасида улар шикастланиш вақтини кўрсатиши мумкин бўлган 58 беморнинг 26 тасини (44,8%) ташкил этди (жароҳатнинг давомийлиги ва сабабини кўрсата олмаган 25 бемор бундан мустасно). 6 ойгача бўлган беморлар 16 (27,6%), 6 ойдан 1 йилгача 22 (37,9%) бемор, 12 (20,7%) бемор жароҳатдан кейин 1 йилдан 3 йилгача ва 8 (13,8%) бемор 3 йилдан ортиқ муддатда мурожаат қилган.

Беморларга қуйидаги турдаги жарроҳлик операциялари ўтказилган: билак суяги бошини очиқ жойига солиш, чўзилган бўғим капсуласини гофрировка шаклида узуксимон бойлам билан тикиш (назорат гуруҳида 41 бемор) ва билак суяги бошчасини очиқ жойига солиш, узуксимон бойлам капсулопластикаси билан (асосий гуруҳнинг 42 бемори) (1-жадвал).

Натижалар: БСБЭЧни жарроҳлик даволашнинг узоқ муддатли натижаларини ўрганишда тирсак бўғимидаги функцияни объектив баҳолаш учун балли шкала ишлаб чиқилган. Елка-билак бўғимининг бўғим охирилари нисбати, тирсак бўғими ҳаракатларининг амплитудаси, билакнинг ротацион ҳаракатлари, қўлнинг ўқи ҳисобга олинган. Шкаланинг ҳар бир бўлими учун бўғим ҳолатига баҳо берилди ва тегишли баллар қўйилди. 16-20 балл – аъло ва яхши натижалар, 12-15 балл - қониқарли натижалар, 8-11 балл - қониқарсиз натижалар.

Беморларни узоқ муддатли даволаш натижалари тахлили шуни кўрсатдики, 1-гуруҳ беморларида 31 (75,6%) беморда аъло ва яхши натижалар, 7 беморда (17,1%) қониқарли, 3 беморда (7,3%) қониқарсиз натижалар қайд этилган. Беморларнинг 2-гуруҳида 39 беморда (92,9%) аъло ва яхши натижалар, 3 беморда қониқарли (7,1%), қониқарсиз натижалар кузатилмади (2-жадвал).

Клиник мисол. Бемор С., 9 ёш. Билак суяги бошчасининг эскирган чиқиши (1-расм). Жароҳатнинг муддати 6 ой. Яшаш жойида унга консерватив даво кўрсатилган. Текширувда билакнинг вальгусли деформацияси, тирсак бўғимининг ички юзасида билак суяги бошчасининг чиқиб турган бошчаси пайпасланади, у жойига бормайди ва чиқиб турган жойда мобилизациялашган. Ротацион ҳаракатлари 150^0 , тирсак бўғимида букиш 90^0 ва ёзиш 150^0 .

Жадвал 1. Беморларни жарроҳлик даволаш турлари бўйича тақсимлаш (n = 83)

| Жарроҳлик даволаш тури | абс | % |
|--|-----|------|
| Билак суяги бошчасини очиқ жойига солиш, чўзилган бўғим капсуласини гофрировка шаклида узуксимон бойлам билан тикиш (назорат гуруҳи) | 41 | 49.4 |
| Билак суяги бошчасини очиқ жойига солиш, узуксимон бойлам капсулопластикаси билан (асосий гуруҳ) | 42 | 50.6 |
| Жами: | 83 | 100% |

Жадвал 2. Болаларда БСБЭЧ билан оғриган беморларнинг жаррохлик даволашнинг қиёсий натижалари

| Операция турлари | Натижалар | | | |
|--|------------|------------|-----------|----------------|
| | Аъло | Яхши | Қониқарли | Қониқарсиз |
| Назорат гуруҳи | | | | |
| Билак суяги бошчасини очиқ жойига солиш, чўзилган бўғим капсуласини гофрировка шаклида узуксимон бойлам билан тикиш (назорат гуруҳи) | 12 (21-25) | 19 (16-20) | 7 (11-15) | 3 (11 дан кам) |
| Асосий гуруҳ | | | | |
| Билак суяги бошчасини очиқ жойига солиш, узуксимон бойлам капсулопластикаси билан (асосий гуруҳ) | 16 (21-25) | 23 (16-20) | 3 (11-15) | 0 (11 дан кам) |



Расм 1. Билак суяги бошчасининг эскирган чиқиши билан оғриган 9 ёшли бемор С. нинг тирсак бўғими рентгенограммаси: а - даволашдан олдин, б - даволаш пайтида, в - бир йилдан кейин



Расм 2. Бемор С., 9 ёш, билак суяги бошчасининг эскирган чиқиши билан, бир йилдан кейин функционал натижа

Ўнг билак суяги бошчасини очиқ жойига солиш ва узуксимон бойлам капсулопластикаси амалиёти ўтказилган. Даволаш натижасида билак суяги бошчаси жойида, тирсак бўғимининг функцияси тикланган. Даволаш натижасини баҳолаш - 20 балл (аъло).

Шундай қилиб, билак суяги бошчасининг эскирган чиқишида, узуксимон бойлам шикастланиши унинг чўзилиши, хаттоки йиртилиши мумкин. Бу албатта, шикастланиш механизмига, даврига ва беморнинг ёшига боғлиқ. Кўп ҳолларда йиртилган бойламнинг

интерпозицияси юзага келади, бу эса, ўз навбатида, бошчани жойига қайтаришга имкон бермайди. Мураккаб ҳолатларда, интерпозицияга қўшимча равишда, капсуланинг ўзида чандикли ўзгариш мавжуд бўлиб, у билак суяги бошчасини қисман ёки тўлиқ қоплаш билан намоён бўлади.

Хулоса. Фиброз ўзгарган бўғим капсуласи, билак суяги бошчасининг эскирган чиқишларида жаррохлик даволаш учун узуксимон бойламни тиклаш (пластика) учун лоскут ҳосил қилиш имконини беради ва ўз навбатида, билак бошчасини жойида туғирланган ҳолатда ушлаб туради.

Беморларни узок муддатли даволаш натижаларини таҳлил қилиш жарроҳлик даволаш натижаларининг 75,6% дан 92,9% гача яхшиланганлигини кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Ходжанов И.Ю., Солдатов Ю.П., Байимбетов Г.Дж., Эдилов У.А. Наш опыт лечения застарелых вывихов головки лучевой кости у детей // Ж. Гений Ортопедии, том 27, № 1, 2021 г. С. 17-23.
2. Хужаназаров И.Э., Ходжанов И.Ю. Основные тенденции при лечении посттравматических деформаций локтевого сустава у детей (обзор литературы) / Журнал клинической и экспериментальной ортопедии им. Г.А. Илизарова № 1, 2015 г. С. 75-83.
3. Эранов Ш.Н., Пардаев С.Н., Жураев И.Г., Шопулатов И.Б., Холхужаев Ф.И. К вопросу хирургического лечения застарелого вывиха головки лучевой кости у детей // Вопросы науки и образования. 2019. №26 (75). 58-69.
4. Rizaev J. A., Khaidarov N. K., Abdullaev S. Y. Current approach to the diagnosis and treatment of glossalgia (literature review) // World Bulletin of Public Health. – 2021. – Т. 4. – С. 96-98.
5. Rizaev J. A., Maeda H., Khramova N. V. Plastic surgery for the defects in maxillofacial region after surgical resection of benign tumors //Annals of Cancer Research and Therapy. – 2019. – Т. 27. – №. 1. – С. 22-23.
6. Rizaev J. A. et al. The need of patients with systemic vasculitis and coronavirus infection in the treatment of periodontal diseases //Applied Information Aspects of Medicine (Prikladnye informacionnye aspekty mediciny). – 2022. – Т. 25. – №. 4. – С. 40-45.

РЕЗУЛЬТАТЫ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ ЗАСТАРЕЛЫХ ВЫВИХОВ ГОЛОВКИ ЛУЧЕВОЙ КОСТИ У ДЕТЕЙ

Эранов Ш.Н., Мамадалиев А.Б.

Резюме. Цель исследования – улучшение результатов хирургического лечения застарелых вывихов головки лучевой кости у детей. Материалы и методы исследования. Проанализированы результаты лечения 83 больных, с застарелыми вывихами головки лучевой кости за 2019-2022 годы. Среди обследованных больных мальчиков было 51, что в процентном отношении составило 61,4%, а девочек - 32, соответственно 38,6%. Возраст больных составлял от 1 до 18 лет (средний возраст 8,1 лет). Были проведены клинические и рентгенологические методы исследования. Результаты. Анализ отдаленных результатов лечения больных показало, что, по 1-группе больных отличных и хороших результатов отмечено у 31 (75,6%) больных, удовлетворительно у 7 больных (17,1%), неудовлетворительных результатов у 3 больных (7,3%). По 2-группе больных отличные и хорошие результаты у 39 больных (92,9%), удовлетворительно у 3 больных (7,1%), а неудовлетворительных результатов не наблюдалось. Выводы. Фиброзно-измененная капсула сустава позволяет образовать лоскут для восстановления (пластики) кольцевидной связки при хирургическом лечении застарелых вывихов головки лучевой кости, а восстановление кольцевидной связки из собственной фиброзно-измененной капсулы сустава в свою очередь удерживает головки лучевой кости во вправленном положении. Анализ отдаленных результатов лечения больных показал, улучшение результатов хирургического лечения от 75,6% до 92,9%.

Ключевые слова: проекция головки запястья, кольцевая связка.